

Апелляция инстанциясида
маърузачи: судья Н.Зайнабидинов

Биринчи инстанция судининг
судьяси: С.Расулов

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ А Ж Р И М И

2022 йил апрель ойининг 5 куни Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати вилоят суди биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: А.Тураев,

ҳайъат судьялари: И.Сатвалдиев, Н.Зайнабидиновдан иборат таркибда, А.Бакировнинг котиблигида, прокурор Х.Раимбердиев, судланувчи И.К ва унинг ҳимоячиси “Avangard Himoya Servis” адвокатлик бюроси адвокати А.Рузиохуновнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг ҳукмига мувофиқ судланган И.Кга оид жиноят ишини судланувчининг апелляция шикояти асосида апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2022 йил 22 февралдаги ҳукмига кўра:

И.К, [REDACTED] да Хўжаобод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, Хўжаобод тумани МТБ 14-сон МТТда методист вазифасида ишлаган, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг 2015 йил

11 июндаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми, 228-моддасининг 1-қисми, 228-моддасининг 3-қисми билан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, 2015 йил 3 декабрдаги амнистия актига асосан 2016 йил 5 февралда жазодан озод қилинган, [REDACTED]

[REDACTED] да яшаган, иши бўйича қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 5 йил, 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ойлик иш ҳақини 20 фоизини давлат



даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида узил-кесил 6 йил озодликдан махрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони умумий тартибли ўташ белгиланган.

Судланувчи И.Кдан фуқарожабрланувчилардан пора беришга далолат қилиниб олинган жами 5.000 АҚШ долларига тенг 54.345.000 сўм давлат фойдасига, жабрланувчи А.Хга 1.800 АҚШ долларига тенг 19.564.200 сўм, И.Уга 700 АҚШ долларига тенг 7.608.300 сўм, С.Мга 200 АҚШ долларига тенг 2.173.800 сўм, Г.Қга 1.000.000 сўм ва Х.Ага 3.700.000 сўм пуллар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, И.К 2021 йил май ойида телеграм ижтимоий тармоғи орқали танишган А.Хга ўзини гўёки ДХХ Андижон вилоят бошқармаси ходими деб таништириб, унинг ишончига кириб, сингиси М.Хайдаровани Андижон давлат тиббиёт институтига ўқишга олиб кириб қўйишини ва бунинг учун мансабдор шахсларга пул бериши кераклигини айтиб алдаб, А.Хни пора беришга далолат қилиб, 2021 йил май ойдан ноябрь ойига қадар 10.683.000 сўмга тенг бўлган 1.000 АҚШ доллари ҳамда уни ишонтириш учун сохталаштирилган гўёки Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ёзилган ва электрон имзоланган алоқа хатлари ҳамда ўзини ДХХ Андижон вилоят бошқармасида ишлаши ҳақидаги қалбаки маълумотномани электрон тарзда унга юбориб, сўнг ўзининг онаси бетоблиги ва операцияга пул керак бўлаётганини айтиб алдаб, шу вақт оралиғида ундан яна 19.229.000 сўмга тенг 1.800 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олиб, жами 29.912.400 сўмга тенг 2.800 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

бундан ташқари, И.К жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йил июль ойида И.Уга ўзини гўёки ДХХ Андижон вилоят бошқармаси ходими сифатида таништириб, шу йўл орқали унинг ишончига кириб, уни Андижон давлат тиббиёт институтига ўқишга киритиб қўйишини ва бунинг учун мансабдор шахсларга пул бериши кераклигини айтиб алдаб, пора беришга далолат қилиб, жами 28.844.100 сўмга тенг 2.700 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

бундан ташқари, И.К жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йил июль ойида С.Мга ўзини гўёки ДХХ Андижон вилоят бошқармаси ходими сифатида таништириб, шу йўл орқали унинг ишончига кириб, уни Андижон давлат тиббиёт институтига ўқишга киритиб қўйишини ва бунинг учун мансабдор шахсларга пул бериши кераклигини айтиб алдаб, пора беришга далолат қилиб, жами 23.502.600 сўмга тенг 2.200 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

бундан ташқари, И.К жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йил октябрь ойида Г.Қга ўзини гўёки ДХХ Андижон вилоят бошқармаси ходими сифатида таништириб, шу йўл орқали унинг ишончига кириб, онаси бетоблиги ва операция қилдириш учун пул кераклигини айтиб алдаб, 1.000.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;



бундан ташқари, И.К жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йил декабрь ойида Х.Анинг ишончига кириб, гўёки “Ишонч” кредит тармоғидан олган махсулоти учун қарзларини тўлаши кераклигини, шунингдек онаси бетоблиги учун пул кераклигини айтиб алдаб, 3.700.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда айбли деб топилган.

Судланувчи И.К апелляция шикоятда, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, ҳаракатларида ЖК 28,211-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд эмаслигини, ҳеч қандай мансабдор шахсга пора бермоқчи бўлмаганини кўрсатиб, қарамоғида бетоб онаси ва турмуш ўртоғи борлигини, соғлиги ёмонлигини, талаба эканини инobatга олиб, ишни қайтадан одилona кўриб чиқиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазo тайинлашни сўраган.

Жабрланувчи Г.Қ, А.Хлар эътирозномаларида суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни, жабрланувчи Х.А ишни қайтадан кўриб чиқиб, қонуний қарор қабул қилишни сўрашган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят суди судьяси Н.Зайнабидиновнинг маърузасини, ҳимоячи А.Рузиохуновни апелляция шикоятини қаноатлантириб, И.Кга енгиллик бериш ҳақидаги фикрини, прокурор Х.Раимбердиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи И.Книнг суд ҳукмини ўзгартириб, апелляция шикоятини қаноатлантириб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазo тайинлаш ҳақидаги музокара ва охириги сўзларини тинглаб, апелляция шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланувчи И.Книнг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма далил деб эътироф этилиб иш ҳужжатларига қўшилган тилхат ва сохта маълумотномалар ҳамда ишдаги бошқа далиллар билан исботланган.

Биринчи инстанция суди, И.Книнг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазo тури ва миқдорини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазo тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги тушунтиришларга амал қилиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, у айбли деб топилган моддалар санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида



узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳақида тўғри тўхтамга келган.

Судлов ҳайъати, судланувчи И.Книнг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги важлари билан келишмади.

Суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун жиноят ишида асослар мавжуд эмас.

Шунга кўра, судлов ҳайъати суднинг ҳукмини ўзгаришсиз, судланган И.Книнг апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁴, 497¹⁷, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2022 йил 22 февралдаги И.Кга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

А.Тураев

Ҳайъат судьялари

И.Сатвалдиев

Н.Зайнабидинов



Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари

имзо
имзолар

Ажрим нусҳаси аслига тўғри,
вилоят судининг судьяси

Н.Зайнабидинов

